
Халқ депутатлари Фурқат тумани Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси қарори



**XALQ DEPUTATLARI FURQAT TUMAN
KENGASHIGA SAYLOV O'TKAZUVCHI TUMAN
SAYLOV KOMISSIYASI
QARORI**

Furqat tumani

17-сон

2020 йил “11” декабрь

Бўшаб қолган ўринга Халқ депутатлари Фурқат тумани Кенгаши депутати сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чоратadbирлар режаси тўғрисида

Сайлов кодексининг 93-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2020 йил 26 августдаги 1033-сонли қарори ҳамда Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2020 йил 11 декабрдаги VI-XVII/78-сонли қарorigа мувофиқ 2021 йил 10 январь Якшанба куни Фурқат туманида бўшаб қолган ўринга Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари сайлови бўлиб ўтади.

2021 йил 10 январда бўлиб ўтадиган бўшаб қолган ўринга Халқ депутатлари Фурқат тумани Кенгаши депутати сайловига қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда, халқаро сайлов стандартларига тўла мувофиқ равишда, юқори демократик савияда тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, шунингдек, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланиши билан боғлиқ конститутциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси 20-моддасига мувофиқ, халқ депутатлари Фурқат туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси

2. Туман сайлов комиссияси котиби халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлигига номзодлар рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги қарорни маҳаллий матбуотда қонунда белгиланган муддатда эълон қилинишини таъминласин.

**Туман сайлов комиссияси
раиси:**



М.Рўзматов

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Фурқат туманида бўшаб қолган ўринга Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича барча ишлар сайлов комиссиялари томонидан сайлов тўғрисидаги қонунчиликка ҳамда ушбу қарор билан тасдиқланган чора-тадбирлар режасига мувофиқ равишда амалга оширилади.

2. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича энг муҳим талаблар ва мақсадли вазифалар:

– сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг қоидаларини сайловчиларга кенг тушунтириш, фуқароларни депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан таништириш, сайловчиларнинг бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидан хабардорлигини ошириш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишларини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратиш;

– сиёсий партияларга ва депутатликка номзодларга ўз сайловолди дастурларининг қоидаларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратиб бериш;

– сайлов кампаниясининг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонунчилик талабларига оғишмай ва сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ва ушбу чора-тадбирлар режасида белгиланган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби қуйи сайлов комиссиялари, шунингдек барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, корхоналарнинг, муассасаларнинг ва ташкилотларнинг раҳбарлари ижро этиши учун мажбурий ва бир хил ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор маҳаллий оммавий ахборот воситаларда эълон қилинсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлашни ўз зиммамда қолдираман.

**Туман сайлов комиссияси
раиси:**



М.Рўзматов



**XALQ DEPUTATLARI FURQAT TUMANI
KENGASHIGA SAYLOV O'TKAZUVCHI TUMAN
SAYLOV KOMISSIYASI
QARORI**

Furqat tumani

18-сон

2020 йил “21” декабрь

**XALQ DEPUTATLARI TUMAN KENGASHI DEPUTATLIGIGA
NOMZODLARNI RUYXATGA OLIISH TUGRISIDA**

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон Экологик партияси туман кенгашлари томонидан халқ депутатлари Фурқат туман кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси 20, 90, 91, 92 - моддаларига мувофиқ халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлигига номзодлар этиб қуйидагилар рўйхатга олинсин:

Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Партияга мансублиги	Эгаллаб турган лавозими	Доимий яшаш жойи	Номзод кўрсатган сиёсий партиянинг номи
24-Ўртақўрғон сайлов округи					
Джураев Санжар Илхомович	1979 йил	ЎзЛиДеп	Фурқат тумани “Ал-Ғаний” хусусий корхонаси раҳбари	Фурқат тумани	ЎзЛиДеп
Солижонов Нозимжон Боқижонович	1987 йил	Адолат СДП	“Ермулккадастр” давлат корхонаси Фурқат тумани филиали “Бир ойна” бўлими бошлиғи	Фурқат тумани	Адолат СДП
Тўхтабоев Илёсжон Юсупович	1971 йил	ЎзМТДП	Фурқат тумани Ўртақўрғон МФЙ раиси	Фурқат тумани	ЎзМТДП
Абдуллаев Халимжон Олимович	1983 йил	Партиясиз	Қўқон шаҳар 8-умумий ўрта таълим мактаби директор ўринбосари	Фурқат тумани	ЎзХДП
Рахмонов Хаётжон Раимович	1972 йил	Эко партия	“Ватанпарвар” ташкилоти Фурқат тумани бўлими ўқув спорт техника амалий бошқарувчиси	Фурқат тумани	Эко партия